

"ТАСДЖИТЛАМАН"
НАҲАҚҚАҲ ШИҶАР, ДАҶМАЪЕЪА ТУҶМА, "ОҶСҚАҲИ" МФЙ ХУДУДА ҚУРҶАТЛАШ 174-СОҶАҚАДЖИ КҶИ ҚАВҶАТ ТУҶРЎҚАДЖИЛАРИГА ТАШ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ



НаҲАҚҚАҲ ШИҶАР, ДАҶМАЪЕЪА ТУҶМА, "ОҶСҚАҲИ" МФЙ ХУДУДА ҚУРҶАТЛАШ 174-СОҶАҚАДЖИ КҶИ ҚАВҶАТ ТУҶРЎҚАДЖИЛАРИГА ТАШ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ

2023 йил 21 июль

№	Объектнинг номи ва мазмۇни	Қўрилган йил	Қўрилган йил	Қўрилган йил	Қўрилган йил	Қўрилган йил	2022 йил учун аниқлаш бўливлари					2023 йил фискалий йили									
							ИИ	ИЖ	ИҶ	ИД	ИМ	ИС	ИТ	ИҶ	ИД	ИМ					
1	Икки қаватли қўриқ-қўриқ, "Оқоғон" МФЙ хукумати ҳудудида, 174-соҳақаджиди кўли қавати туғрисида.	2022	5 кв. метр	1 918 411	89 151	1 918 411	89 151	1 918 411	89 151	1 918 411	89 151	1 918 411	89 151	4 об'ект	1918 411	0,000	0,000	0,000	25.07.2022	06-21411006015419 15419-сон билан 14.08.2022	Ташиқ қўриқ "С"га
2	Икки қаватли қўриқ-қўриқ, "Оқоғон" МФЙ хукумати ҳудудида, 174-соҳақаджиди кўли қавати туғрисида.	2022	Об'ект	105 036	24 579	105 036	24 579	105 036	24 579	105 036	24 579	105 036	24 579	0,000	4 031	0,000	0,000	25.07.2022	06-21411006015419 15419-сон билан 14.08.2022	Ташиқ қўриқ "С"га	
3	Икки қаватли қўриқ-қўриқ, "Оқоғон" МФЙ хукумати ҳудудида, 174-соҳақаджиди кўли қавати туғрисида.	2022	Об'ект	1 807 417	11 206	1 807 417	11 206	1 807 417	11 206	1 807 417	11 206	1 807 417	11 206	0,000	0,000	0,000	0,000	25.07.2022	06-21411006015419 15419-сон билан 14.08.2022	Ташиқ қўриқ "С"га	
4	Икки қаватли қўриқ-қўриқ, "Оқоғон" МФЙ хукумати ҳудудида, 174-соҳақаджиди кўли қавати туғрисида.	2022	Об'ект	4 047	4 047	4 047	4 047	4 047	4 047	4 047	4 047	4 047	4 047	0,000	0,000	0,000	0,000	25.07.2022	06-21411006015419 15419-сон билан 14.08.2022	Ташиқ қўриқ "С"га	
5	Икки қаватли қўриқ-қўриқ, "Оқоғон" МФЙ хукумати ҳудудида, 174-соҳақаджиди кўли қавати туғрисида.	2022	Об'ект	209 000	15 000	209 000	15 000	209 000	15 000	209 000	15 000	209 000	15 000	0,000	0,000	0,000	0,000	28.10.2022	06-192718 15419-сон билан 25.11.2022	Ташиқ қўриқ "С"га	

НаҲАҚҚАҲ ШИҶАР, ДАҶМАЪЕЪА ТУҶМА, "ОҶСҚАҲИ" МФЙ ХУДУДА ҚУРҶАТЛАШ 174-СОҶАҚАДЖИ КҶИ ҚАВҶАТ ТУҶРЎҚАДЖИЛАРИГА ТАШ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ

(Handwritten notes and stamps)

ҲАҚҚАҲ ШИҶАР, ДАҶМАЪЕЪА ТУҶМА, "ОҶСҚАҲИ" МФЙ ХУДУДА ҚУРҶАТЛАШ 174-СОҶАҚАДЖИ КҶИ ҚАВҶАТ ТУҶРЎҚАДЖИЛАРИГА ТАШ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ

2023 йил 21 июль

ҲАҚҚАҲ ШИҶАР, ДАҶМАЪЕЪА ТУҶМА, "ОҶСҚАҲИ" МФЙ ХУДУДА ҚУРҶАТЛАШ 174-СОҶАҚАДЖИ КҶИ ҚАВҶАТ ТУҶРЎҚАДЖИЛАРИГА ТАШ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ ҶАМ

(Handwritten notes and stamps)

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 192716 на приобретение Наманган шаҳар Юксалиш МФЙ ҳудудида жойлашган "Ўзшаҳар қурилиш инвест"МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар-жойлар биноларини газлаштириш

Способ проведения электронный

Дата 25.11.2022

Время рассмотрения 25.11.2022 09:50

Закупочная комиссия Наманган вилояти Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Директор	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
Секретарь комиссии	RIZAYEV G'OFIRJON G'ULOMJONOVICH	бош мутахасиси	Вилоят хокимлигининг ЯБИК
Член комиссии	DEDAKANOV FARXOD BAXODIROVICH	Етакчи мутахассис	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	земеститель директора	ГАСН
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	бўлим бошлиғи	Наманган вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	бош мутахассис	Наманган вилоят монополия бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.11.2022 года № лота 192716.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по газоснабжению
Подробное описание	Газ тармоғи тортиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	195 021 384.00
Стартовая сумма	195 021 384.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Хужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома 9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	2	Мавжуд	1	Экспертная		
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	2	мавжуд	1	Экспертная		

Критерий №2 Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 2-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Асословчи хужжатлари билан бирга

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	25	Мавжуд	20	Экспертная		
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	25	мавжуд	25	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари тасдиқланган ҳолда

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	10	Мавжуд	10	Экспертная		
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	10	мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №4 Машина ва механизмлар рўйхати 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ	21	Мавжуд	21	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КУРИЛИШ СЕРВИС						
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	21	мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи асословчи хужжатлари билан бирга

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	19	Мавжуд	19	Экспертная		
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	19	мавжуд	17	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	5	Мавжуд	5	Экспертная		
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	5	мавжуд	5	Экспертная		

Критерий №7 Танловдаги объектга ўхшаш объектлар иш тажрибаси 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектлар иш тажрибаси асословчи хужжатлари билан бирга

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	16	Мавжуд	16	Экспертная		
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	16	мавжуд	12	Экспертная		

Критерий №8 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома 8-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	2	Мавжуд	1	Экспертная		
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	2	мавжуд	1	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	195 021 384.00	194 000 000.00 UZS	194 000 000.00	00.00	194 000 000.00	24.11.2022 09:37:46	9.79492
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	195 021 384.00	190 021 384.00 UZS	190 021 384.00	00.00	190 021 384.00	24.11.2022 09:57:35	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС	83.7	9.79492	93.49492
JO RABEK QURILISH SERVIS X K	72.9	10	82.9

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 192716 от 25.11.2022 года на приобретение Наманган шахар Юксалиш МФЙ худудида жойлашган "Ўзшахар қурилиш инвест"МЧЖ томонидан қуриладиган кўп қаватли турар-жойлар биноларини газлаштириш определила победителем:

ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС
300348848

и резервный исполнитель: JO RABEK QURILISH SERVIS X K (302667505)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAKHANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	Согласен	

Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
----------------------	---	----------	--

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“30” ноябр 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси томонидан 2022 йил “17” ноябрдаги 22110012192716-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган шаҳар Юксалиш МФЙ худудида жойлашган “Ўзшахар қурилиш инвест”МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар-жойлар биноларини газлаштириш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «VODIY INDUSTRIYA QURILISH SERVIS»МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Ташкилоти раҳбари



Д.Матмусаев

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 192716

2022 йил 30 ноябр

Наманган ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи-инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш кўрувчи компания директори Д.М.Матмусаев бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Водий индустрия қурилиш сервис» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона раҳбари К.Кўчқаров, иккинчи томондан Наманган шаҳар Юксалиш МФЙ ҳудудида жойлашган "Ўзшаҳар қурилиш инвест"МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар-жойлар биноларини газлаштириш объекти бўйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Тарифлар.

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кузда тутилган Наманган шаҳар Юксалиш МФЙ ҳудудида жойлашган "Ўзшаҳар қурилиш инвест"МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар-жойлар биноларини газлаштириш объекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, танлов (тендер) савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг 2022 йил 25 ноябрдаги №192716–сонли баённома (лот №192716) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС билан **194 000 000 (бир юз тўқсон тўрт миллион) сўмни** ташкил этади. 2022 йилда шартномани ажралмас қисми бўлган молиялаштириш графиги ва тасдиқланган манзиллий дастурга асосан 184 300 000 сўм маблағ молиялаштириб берилади. Қолган 9 700 000 сўм маблағ келгусида маблағ ажратилган сўнг молиялаштириб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-илова (*ишларни бажариш графиги*)га мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 30% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

2-илова (*ишларни бажариш графиги*)га мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларни етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачига пудрат шартномаси тузилиши давомида субпудратчилар билан тузилган шартномалар, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш (*офертада кўрсатилган суммага*);

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жарёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш;

объектда қурилиш ишлари якунлангандан сўнг, белгиланган тартибда давлат қабул комиссияси давлолатномаларини расмийлаштириш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари ва субпудратчилар билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга рияз этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-илова (*молиялаштириш графиги*)га мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари.

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага 3-иловага (*молиялаштириш графиги*) мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. **Тендер, танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати 30 кунни ташкил этади.**

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 фоизи- 58200 000 (эллик саккиз миллион икки юз минг) сўмини ташкил этиб, аванс маблағлари белгиланган тартибда молиялаштирилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш жадвали (2 - илова) асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, инвестор томонидан маблағ билан таъминлагандан сўнг объектнинг умумий, шартномавий - жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилиши кузда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги давлат қабул комиссиясининг далолатномаси ва бошқа ҳужжатларни тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

17. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнг қолган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилиши ҳақида фойдаланувчи билан далолатнома ёки унинг розилик хати тақдим этилгандан сўнг молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш.

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Наманган вилоят қурилиш ҳудудий назорат инспекцияси» ни ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Наманган вилоят қурилиш ҳудудий назорат инспекцияси» билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриқлаш.

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект авизо орқали қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун объектдан фойдаланувчи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб кафолатли муддати **12 ой** этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Наманган вилоят қурилиш ҳудудий назорат инспекцияси» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

52. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.

Бундан ташқари Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунчилигига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фоизи** миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Наманган вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси» нинг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20 фоизи** миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугугандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроя органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаслик ва тақлиф этмасликни қафолатлайди.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

Наманган вилояти хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

Манзил: Наманган ш. Амир Темур к. 105

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги

Ш.х.в* 100010860144017049804006011

ИНН 204 808 298 ОКЭД 70220

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази

Ягона ғазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201 122 919

Матмусаев Дилшод Махамматюсупович

М.Ў. (Имзо)

“Пудратчи”

«Водий индустрия қурилиш сервис» МЧЖ

Манзил: Наманган ш. Косонсой к. 29- уй.

Тел: 90-553-78-37, 99-324-47-32

х/р 2020 8000 1045 9570 1001

«Гаранд банк» Наманган бул.

МФО 00227, ИНН 300348848

Кўнқаров Комилжон

М.Ў.

(Имзо)

Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқий маслаҳатчиси  К.Тулашев «___» _____ 2022 й.

ПОЛИС

обязательного страхования строительных рисков

Акционерное общество «KAPITAL SUG'URTA» на основании Положения и Договора страхования строительных рисков № 1100/108/1/2201760 от «30» Ноябрь 2022 года предоставляет страховую защиту имущественным интересам «Водий индустрия курилиш сервис» МЧЖ от рисков: пожара, удара молнии, взрыва, падения летательных аппаратов, самовозгорания, бури, урагана, землетрясения, селей, лавины, град, оседания грунта, оползня, обвала, короткого замыкания, перенапряжения, электрические дуги, падения машин и механизмов, строительных материалов и конструкций, возникновения гражданской ответственности перед третьими лицами при проведении строительных работ на объекте «Наманган шахар Юксалиш МФЙ худудида жойлашган “Ўзшахар курилиш инвест” МЧЖ томонидан курилайтган кўп қаватли турар-жойлар биноларини газлаштириш».

Общая страховая стоимость 194 000 000,00 (сто девяносто четыре миллиона сум 00 тийин)

Страховая сумма 155 200 000,00 (сто пятьдесят пять миллионов двести тысяч сум 00 тийин)

Страховая премия: 527 680,00 (пятьсот двадцать семь тысяч шестьсот восемьдесят сум 00 тийин) сум.

Обязательства Страховщика по выплате страхового возмещения вступают в силу после поступления страховой премий и действуют по «01» Март 2023 года.

Страховщик:

Директор
Наманганского филиала
АО «KAPITAL SUG'URTA»


(подпись)

Ахмедов Б.Я.

Регистрационный номер:
№ 1100/108/1/2201760
от « » 2022г.



KS.№ 312165

"УТВЕРЖДАЮ"
 Директор ИК ЕЗ Наманганского
 областного хокимията

У. Матмусаев

Д.Матмусаев



от " " 20 г.

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Давлатобод тумани Юксалиш МФИда кўп қаватли уйлар учун газ тортиш	
2. Отрасль	Прочие	
3. Инвестор	За счёт местного бюджета	
4. Заказчик	Инжиниринговая компания Наманганского обл. хокимията	
5. Разработчики		
5.1. ТЭО		
5.2. ПСД и/или ТД	ПСД	
5.3. Экспертизы	Экс-17.11.2022й	
6. Генеральный подрядчик	"ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ СЕРВИС"МЧЖ	
7. Источник финансирования	За счёт местного бюджета	
8. Срок начала и окончания строительства	1-кв 2021 г	
9. Основные показатели стройки	По ПСД	Остаток на 1.01.2022 г.
Мощность (в соответ. единицах измерен.)	объект	объект
Основные фонды	209,000	209,000
Капитальные вложения	209,000	209,000
Строительно-монтажные работы	194,000	194,000
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги	13,060	13,060
Содержание службы заказчика	1,940	1,940

Прогноз на 2022 год в соответствии с согласов. с ММЭС и МФ адресным списком	в договорных ценах (млн.сум)	
Мощность (в соответ. единицах измерен.)	объект	
Основные фонды	209,000	
Капитальные вложения	197,360	
Строительно-монтажные работы	184,300	
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги	13,060	
Содержание службы заказчика		

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год

(в текущих ценах, млн.сум)

	Всего на год	в том числе по кварталам:			
		1	2	3	4
Ввод мощности	объект				объект
Основные фонды	209,000				209,000
Капитальные вложения	197,360				197,360
Строительно-монтажные работы	184,300				184,300
Оборудование, инвентарь					
Прочие работы и услуги	13,060				13,060
Содержание службы заказчика					

Подрядчик:
 Начальник
 "ВОДИЙ ИНДУСТРИЯ КУРИЛИШ
 СЕРВИС"МЧЖ



К.Кучкаров



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Tasdiqlandi

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana:28-10-2021 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 22740

Obyekt nomi «Namangan shahar Yuksalish MFY hududida joylashgan "O'zshahar qurilish invest" MChJ tomonidan qurilgan ko'p qavatli turar-joy binolarini gazlashtirish»

Buyurtmachi - "HUDUDGAZ NAMANGAN" gaz ta'minoti filiali

Bosh loyihachi - "HUDUDGAZ NAMANGAN" gaz ta'minoti filiali

Litsenziya AL-000526 29.01.2020-yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Byudjet

Bosh pudratchi - Tanlov asosida

Qurilish turi Yangi qurilish

Murojaat raqami: № 21710

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. Namangan shahar Davlatobod tumani hokimining 2021 yil 27 maydagi 12-6-219-Q/21-sonli qarori.
- 1.2. Buyurtmachi bilan kelishilgan loyiha topshirig'i.
- 1.3. Namangan viloyat Qurilish Bosh boshqarmasi tomonidan berilgan 2021 yil 13 iyuldagi 1714-1714401-24399-sonli arxitektura rejalashtirish topshirig'i.
- 1.4. "HUDUDGAZ NAMANGAN" gaz ta'minoti filialining 2021 yil 10 avgustdagi 15/24-416-sonli texnik sharti.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. "Ishchi loyiha"ning ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Gazlashtirish. Tushuntirish xati, umumiy ma'lumotlar, gaz quvurlarini yo'nalish rejasi, yer osti gaz quvurlarini yemirilishdan himoya qilish tadbirlari, jixoz va uskunalar ehtiyoji jadvali.

- Smeta hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.

Loyihalananayotgan gaz tarmog'i Namangan shahar Yuksalish MFY hududida joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimiy sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshliligi bo'yicha - 8 ball. Tashqi havo harorati - 14°s. Me'yoriy qor yuklamasi - 0,50 kPa, shamol yuklamasi - 0,38 kPa. Yerni tuzilish reliefi - tekis.

3.2. Loyihaning asosiy yechimlari.

Loyihalanayotgan gaz tarmog'i Ø114mm, Ø89mm, Ø76mm va Ø57mm po'lat quvurlardan iborat bo'lib, umumiy uzunligi – 697 metr, shu jumladan: yer ostida – 394 metr va yer ustida – 303 metr. Gaz quvurini avtomobil yo'lidan kesib o'tishi uchun Ø219mm, Ø159mm po'lat quvurdan g'iloflar ko'zda tutilgan. Loyihada 2 dona "GRPRDNK-400" qurilmasi o'rnatish nazarda tutilgan. Loyihada yer osti po'lat gaz quvurlarini tuproqdan va elektr-kimyoviy yemirilishdan himoya qilish maqsadida quvur ustiga himoya qoplamasi o'rash hamda protektorlar o'rnatish nazarda tutilgan.

3.3. Qurilish davomiyligi.

Qurilish davomiyligi – 1 oy.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

4.1. *Gaz ta'minoti* – "HUDUDGAZ NAMANGAN" gaz ta'minoti filialining 10.08.2021 yildagi 15/24-416-sonli texnik shartiga muvofiq nazarda tutilgan. Ulanish nuqtasi etib mavjud o'rta bosimli D-159mm yer osti gaz tarmog'i qabul qilingan.

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- Gaz quvurlarini yo'nalish rejasi Namangan shahar "Topo-geodeziya o'lchovlari loyiha servis" MChJ va "HUDUDGAZ NAMANGAN" gaz ta'minoti filiali bilan kelishilgan.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxassislarining izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

6.1.1. Asosiy ishlar tasnifida ko'rsatilgan past bosimli gaz quvuri uchun po'lat g'ilof diametri trassa rejasiga muvofiq – o'zgartirildi.

6.2. Ekspertiza natijalariga ko'ra qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) va buyurtmachining boshqa xarajatlari bilan 211925,280 ming so'm miqdorida taqdim etilgan loyiha qiymati 3441,388 ming so'mga kamaytirilib, **208483,892 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	159143,812 ming so'm.
Asbob-uskunalar:	10440,000 ming so'm.
QQS:	25437,572 ming so'm.
Buyurtmachining boshqa xarajatlari:	13462,508 ming so'm.

6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchilligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan shahar Yuksalish MFY hududida joylashgan

"O'zshahar qurilish invest" MChJ tomonidan qurilgan ko'p qavatli turar-joy binolarini gazlashtirish" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

Izoh: Yer qazish ishlarini boshlashdan avval, zaruratga ko'ra muhandislik tarmoqlaridan foydalanuvchi manfaatdor tashkilotlar hamda aloqa, yo'l korxonasi vakillari ishtirokini ta'minlash lozim.

Ekspert: T. Maxkamov

Bosh mutaxassis: Jalilov Shokirjon Zokirjonovich